

# Диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 20 март, № 55 (3600) • Ўзбекистон

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!  
Она заминимиз узра офтоб чарақлаб, бегубор Наврўз нафаси уфуриб турган мана шу кутлуғ ва мунаввар кунларда сиз, қадри юртдошларимни бу улуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида — азим пойтахтимиз Тошкентда, гўзал Фарғона vodiysi, кўҳна Самарқанду Бухоро, Қорақалпоқ ва Хоразм воҳасида, Сурхон ва Қашқадарё, Навоий ва Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида — боғу роғлар, қир-адирлар бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзи оламни катта хурсандчилик билан байрам қилаётган инсонларга, бутун Ўзбекистон аҳлига ўзимнинг самимий тилакларим ва ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Муҳтарам дўстлар!  
Биз Наврўз айёмини ҳамшиша орзиқиб, интизорлик билан кутамиз. Борлиқ чирой очиб, яшариб-янгилаётган мана шу фусункор паллада Наврўз бамисоли эшик қоқиб, "Ассалом, эй азиз инсон!" деб остонамиздан кийиб келаётгандек туюлади. Ва ўз навбатида биз ҳам, шу саховатли заминда истиқомат қилаётган жамияти инсонлар "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг кутлуғ бўлсин!" деб унга пешвоз чиқамиз.

Бу дилбар фаслада табиатнинг уйғониши, майса-ғиёҳларнинг тупроқни ёриб қуёшга интилиши, кўртакларнинг очилиши, камалакнинг турфа рангда товланиши — еру кўкда рўй берадиган буюк ўтказилар, илоҳий мўъжизалар ҳар қандай инсонни ҳам ҳайратга солади. Табиатнинг очилиши билан одамзот қалбида ҳам мудраб ётган эзгу ҳиссиётлар уйғонади.

Шу маънода, Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ туйғуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзда ёрқин намоён этадиган энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундан минг йиллар аввал ҳам мана шундай Наврўз айёмида аجدодларимиз, ота-боболаримиз кўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, мўл ҳосил, ризқу рўз тилаб пок ният қилганлар, шоду хуррамлик билан кўклар нашидасини сурганлар.

Бугун ҳам ям-яшил адирларда от чоптириб, кураш тушиб юрган бўз йишларни, баҳор янгиғул гул-гул очилиб бораётган сулув қизларни, дошқозонлар атрофида уйин-қулгу, хур-

сандчилик қилаётган юртдошларимизнинг қувонч ва шодлигини кўриб, ҳар биримиз тинчлик ва осойишталикнинг нақадар бебахо бойлик эканини қайтадан кашф этгандек бўламиз, бу осуда ҳаётнинг қадрини янада теранроқ англаймиз.

Мана шундай шукхўли дақиқаларда табиат ҳам бамисоли она сингари бағрини очиб, одамларга меҳр улашади, уларни эзгулик ва яхшиликка чорлайди. Ҳар қайси инсон бу ганимат дунёда Оллоҳ берган неъматлардан баҳраманд бўлиб, бир-бирига, ўз яқинларига меҳр кўрсатишга, нуроний кексаларимизнинг дуосини олишга, беморлар, етим-есир, кўнгли ярим кишиларга ёрдам ва кўмак беришга интилади ва бундай саоватли ишлардан беихтиёр ўзининг ҳам дили ёришади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг узоқ-яқин ҳудудларида бўлиб ўтаётган шодиёна сайилларда миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўз ватаним деб биладиган барча миллат ва элат вакиллари ширинлик билан қўллаб-қувватлаётган, кўнгли хорижий меҳмонларнинг бизнинг қувончимизга шерик бўлаётгани Наврўзнинг одамларни бирлаштирувчи ҳаётбахш кучидан далолат беради.

Шу нурафшон кунларда эл-юртимиз "Сиҳат-саломатлик йили"нинг Наврўзини янги орзу-умидлар билан кутиб олмақда.

Ана шундай орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш йўлида бу йилги режа ва дастурларимизда кўзда тутилган мақсадлар, авваламбор, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, соғлигини мустаҳкамлаш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган чора-тадбирлар ўз самараси ва ҳосилини беради, иншооллоҳ.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Янги кун, янги йил бошланаётган шу унутилмас дамларда, янги маънавий арафасида барчамиз, энг аввало, Наврўз айёмининг ҳақиқий эзелари, ризқ-рўзимиз бунёдкорлари бўлмиш заҳматкаш деҳқонларимизни кутлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилакларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўп бўлсин!

Диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

ИслоМ КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



## ХАЛҚИМИЗГА БУНЁДКОРЛИК ВА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Юртбошимиз даставвал Бешёғоч майдонида бўлди.

Бешёғоч майдони азалдан салқин, баҳаво жой бўлган. Кейинги йилларда пойтахтимизнинг бошқа ҳудудлари қатори бу ернинг қиёфасини тубдан янгилаш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари майдоннинг янги манзараси тарқи билан танишди. Унинг атрофидаги бино ва иншоотлар, анҳор ва ариқлар, кўприк ва йўллар, дарахтзор ва гулзорлар ўзаро яхлитлик, уйғунлик касб этиши муҳим эканига эътибор қаратди.

Пойтахтимизнинг ҳар бир майдони ўзининг алоҳида меъморий ечими, ранг-беағи ва кўринишига эга бўлиши керак, деди Президентимиз. Шу маънода, Бешёғоч майдони Хадра, Эски Жўва ёки шаҳарнинг бошқа майдонларидан ажралиб турадиган ўзига хос манзара касб этиши лозим. Майдон хусн-чиройини очишда ҳар бир деталга алоҳида эътибор бериш, дид ва нафосат билан ёндашмоқ зарур. Атрофдаги кўприклар ҳам санъат асарни даражасида тайёрланиши даркор. Ҳар бир бино беағио бўёғига майдоннинг яхлит жамолини очишга хизмат қилмоғи керак.

Шаҳарни, унинг ҳар бир майдонини бу тах-

лит безатишдан мақсади-миз пойтахт аҳли ва меҳмонлар, айниқса, ёшларимизнинг баҳри дили очилиб, хордик чикаришига қаратилган, деди Юртбошимиз. Шундай экан, пойтахтимизнинг келгусида қандай тароват касб этишини белгилашда ҳам салмоқли ишлар бажариш мақсадида мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари Бешёғоч майдонида тушган Ўзбекистон Миллий боғида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди. Мазкур боғнинг умумий майдони 112 гектарни ташкил этади. Унинг қоқ ўртасидагидек қўл доираси 2200 метрдан иборат. Илгари кўлни тўлдириб механизми пухта ишлаб чиқилмагани туфайли суви лойқа бўларди. Энди бу борадаги вазият тубдан ўзгармоқда. ИслоМ Каримов кўлни тўлдириб ишларининг режаси билан танишиб, мутахассисларга тегшли тавсия ва топшириқлар берди.

Юртбошимиз Миллий боғни ободонлаштириш билан боғлиқ ишларни чуқур таҳлил қилар экан, бир неча амалий тақлифларни ўртага ташлади. ИслоМ Каримовнинг таъкидлашича, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳузурида Миллий боғдаги ҳар бир дарахт, бута ва гулнинг парвариши учун масъул алоҳида де-

партамент ташкил этиш лозим. Ушбу тузилма вакилларида боққа нисбатан ўз ҳовлисида ишлагандек муносабатни шакллантириш керак. Дунё тажрибаси бундай ёндашув ўзини тўла оқлашини кўрсатмоқда.

Боғни тўла шакллантиришнинг беш йиллик режасини тузиш керак, деди давлатимиз раҳбари. Каерда қандай дарахт ва гул экилади, қайси жойда қандай чаманзор ва аллея барпо этилади — ҳаммаси ана шу режада ўз аксини топиши зарур. Нанки қандай кўчат ўтказиш, балки уни қанон экиш ҳам муҳимдир. Эски замонда ҳар йили 19 апрелда "шанбалик" ўтказиш одатга айлантирилган эди. Бу сана Россия иклими учун балки мосдир, аммо Ўзбекистонда боғлар фарқ гуллаган пайтада тўғри келади. Довдарахт уйғонмасидан, унинг кушандаси — қуртқумурскалар ҳам уйқуда пайтида кўчат экиш ва пухта парваришлар бобида ота-боболаримиз тажрибасини унутмайлик, аксинча, унга амал қилайлик.

Президент ИслоМ Каримов пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида бунёд этилаётган бир қатор қурилиш объекти билан ҳам танишди. Бу ерда давлатимиз раҳбари ташаббус билан бошланган улкан бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда.

Эски шаҳарда амалга оширилаётган ишлар шу даҳа аҳолисининг оғирини енгиб қилишга, муносиб турмуш шароити яратиш ва ободонлаштиришга қаратилганини Президентимиз алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, қисқа муддатда лойиҳачилар, қурувчилар, йўлсозлар, транспортчилар ва бошқа касб эгаларининг ҳамкорлигида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Тор кўчалар ўрнига кенг, раво йўллар, кўприклар, аҳолига замонавий хизмат кўрсатадиган ижтимоий объектилар барпо этилди, тегшли коммуналхизмат тармоқлари ўтказилди.

Хусусан, "Соғбонтексти" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, замонавий полилинек, ёшларни интеллектуал ривожлантириш "Истеъдод" маркази, спорт мажмуаси, Форобий кўчасидаги оилавий шифохона каби маданий ва маънавий хизмат шоҳобчалари, таълим-тарбия муассасалари мазкур ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Юртбошимиз Эски шаҳарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, мутасаддиларга тегшли кўрсатма ва тавсиялар берди. Бу ердаги майдондан оқилона фойдаланиш кераклигини ўқтирди. Аввало, қўшимча боғ ва майдонлар, фаввора-

лар барпо этиш лозим. Сотувчилар ва харидорларга янада кенгроқ қулайлик яратиш мақсадида Эски Жўва бозорида кўшимча савдо павилонлари, бошқа муҳим объектилар қуриш зарурлиги ўқтирилди.

ИслоМ Каримов барпо этиладиган бинолар қурилиши, ранги, безатилиши пойтахтимизнинг яхлит қиёфасига мос бўлиши лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Бунёд этилиши режалаштирилган моделлар уйи, болалар ижодиёти маркази, бутун шаҳарни баландликдан томоша қилиш имконини берадиган майдонча лойиҳаси қурилишига оид масъула ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий номидаги боғда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирар экан, ушбу масъалани Эски шаҳар ҳудудида истиқомат қиладиган аҳолининг, айниқса, болаларнинг энг сеvimли гўшаларидан бирига айлантириш лозимлигини қайд этди.

Тинчлик ва тараққиёт йўлидан бораётган юртга бунёдкорлик ишлари, байрамлар ярашади. Пойтахтимиз Наврўз арафасида янги ва замонавий қиёфада намоён бўлаётган халқимизнинг сеvimли байрамга ўзгача шуқуқ бағишлamoқда.

ҒулoМ МИРЗО,  
Нoрoли ОЧИЛОВ,  
ЎзА мухбирлари,  
Абдувоҳид ТўРАЕВ  
oлган сурoт.

## Баржаёт қадриятлар кўзгуси

Наврўзи айём азалдан саховат, меҳр-оқибат байрами саналиб келинган. Шундай кутлуғ кунлар арафасида Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши томонидан уруш ва меҳнат фахрийлари, ноғиронларга, яқна-ёлғиз, меҳрмуруватта муҳтож кексалар хонадонларига бориб, байрам совғалари топширилди. Жиззах вилояти Зомин туманидаги Муруват уйига, Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган

фахрийларни соғломлаштириш марказига, пойтахтимиздаги «Нуроний» шифохонасига дори-дармон воситалари ва тиббий жиҳозлар тортиқ этилди. Республикада бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши, унинг жойлардаги бўлим ва бўлималари ҳам фаол иштирок этишди. Шу кунни биргина «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг 200 дан ортиқ фаоллари бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари Тош-

кентдаги «Чигатой» қабристонига боришди. Нуроний отахонларнинг саъй-ҳаракатлари билан юзлаб гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Ариқлар тозаланиб, дов-дарахтларга шакл берилди.

— Азиз отахонлар, аввало, сизларнинг хизматингизга балли! Бундай тадбир Наврўз байрами арафасида ўтаётгани билан ҳам эътиборлидир, — деди «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши расиси Эркин Бокқобоев. — Бугун ўтганлар руҳи шод бўлди, ўзимиз ҳам энгиллашдик. Уйлайманки, қадриятларимиз бундан бўён ҳам намоён бўлаверади.

Мурoд БОТИРoВ.

## Элчиларнинг шахмат баҳси



Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси ташаббус билан мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида турли спорт турнирлари ўтказиш аниёнага айланган.

Вазирликнинг қабуллар уйида Наврўз байрамига бағишлаб мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Ташки ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бош-

қармаси, Италия, Россия, Козогистон ва АҚШ мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари турнир ташкилотчилари бўлишди.

Икки кун давом этган қизгин беллашувлар ақунига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Ташки ишлар вазирлиги вакиллари қўлга киритди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотидан аскарбек Мамеев, учинчи ўрин Чехия Республикасининг элчихонаси вакиллари учинчи ўрини эгаллади.

Шахсий биринчиликда Ташки ишлар вазирлиги вакили Фарҳoд Хамрoевa тенг кeладиган топилмади. Иккинчи ўрин Шанхай ҳамкорлик ташкилотидан Аскарбек Мамеев, учинчи ўрин Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари учинчи ўрини эгаллади.

Ташки ишлар вазирлиги вакили Фарҳoд Хамрoевa тенг кeладиган топилмади. Иккинчи ўрин Шанхай ҳамкорлик ташкилотидан Аскарбек Мамеев, учинчи ўрин Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари учинчи ўрини эгаллади.

Шахсий биринчиликда Ташки ишлар вазирлиги вакили Фарҳoд Хамрoевa тенг кeладиган топилмади. Иккинчи ўрин Шанхай ҳамкорлик ташкилотидан Аскарбек Мамеев, учинчи ўрин Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари учинчи ўрини эгаллади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири,  
Рашид ГАЛИЕВ  
oлган сурoт.

Хушхабар

## Гўзалнинг совғиси

Хитойда энгил атлетика бўйича ўтказилган Гран при туркумига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Гўзал Хўбиева 60 метрга югуриб мусобақасида олтин, 200 метрга югурувчилар ўртасида эса кумуш медални қўлга киритди.

Яна бир вакилимиз Светлана Радзевил баландликка сакраш бахсларида кумуш медал совриндори бўлди. Шунингдек, Анастасия Журавлева, Эркин Исоков ва Замира Амирова бронза медаллари билан тақдирландилар. Тусиқлар оша юғуринида Олег Норматов маррага бешинчи бўлиб етиб келди.

Дил изхори

Дала сайлига не етсин

Яратганга шукрим, кўксимга Узбекистон Қахрамони юксак нишони қадалгандан буён эъзоз, эҳтиромдан. Байрам уйғинларда тўрда савлат тўкиб ўтираман. Лекин шундай кезларда ҳам хаёлим даламда, оиламдай азиз бўлиб қолган жамоамда бўларди. Бу йилги Наврўз байрамини халқ сайли сифатида ўтказилишини эшитиб ғоят қувондим. Эшитган захотимизок, уни қандай ўтказиш режасини белгиладики. Қиз-жувонларимиз дошқозонда сумалак қайнатилса, йигитларимиз азалий уйғинларимизни тиклаб мусобақа ўтказишни ният қилдилар. Энг яхши пазанда қиларимизни, ёқур йигитларимизни муқофотлаш, тақдирларимизга тан. Дехқон учун қаддон даласида гаштли меҳнат қилишнинг ўзи ҳам бир байрам. Бу йил мавжуд 72 гектар майдоннинг 38 гектарига барака уруги қадайдими. 34 гектардаги галлани эса Наврўз қуқлари иккинчи бор озиклантирамиз. Дехқон учун баҳорнинг ҳар бир кунини ганимат. Бунинг устига баҳорий илиқлик уфуриб турган даламда байрамни нишонлашга не етсин.

Комилжон МАМАЖОНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошлоқ туманидаги Х. Мароқисов номи ширкат кўчалари бош пудратчиси.

Қоғчино МАЦУУРА: Ҳамкорликнинг ёрқин намунаси

Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси кўмағида ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуурадан интервью олдик.

— Ўзбекистон мен ЮНЕСКО Бош директори сифатида расмий ташриф буюрган дастлабки мамлакатлардан биридир. Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қабулида бўлдим. Республика раҳбари тарихий меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб, бу соҳага ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик бошқа мамлакатлар учун ёрқин намуна бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг фаол аъзоси сифатида ташкилотимизнинг барча дастурлари ва фаолиятида самарали иштирок этмоқда. Республика ЮНЕСКОни ривожлантиришнинг барча соҳаларига салмоқли хисса қўшмоқда. Айна шу боис биз Ўзбекистондаги Миллий бюромизни сақлаб қолиш ва унга кўмаклаштириш қарор қилдик. Бюро Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва биз бу

ёрдамни юксак қадрлаймиз. Ҳозирги вақтда ЮНЕСКО фаолиятида бешта асосий устувор йўналиш белгилаб олинган ва уларнинг барчаси бўйича Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Улар орасида таълим, ижтимоий, табиий фанлар, маданият ва коммуникация соҳалари бор. Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини Наврўз байрами билан самимий табриқлайман. Бу байрам Ўзбекистоннинг муҳим тарихий маданий меросларидан бири ҳисобланади. Бутун ўзбек халқига фаровонлик ва равақ тилайман. (Ў.А.)

Сараланганлар саҳнага чиқади

Бу йилги Наврўз тантаналари нафақат ўзгача тусда, оммавий халқ сайли сифатида ўтади, балки эстрада хонадалари ва ёш ижрочилар учун маҳоратлари, истеъдодларини намойиш этадиган кўрик майдони ҳам айланиб борапти. Биргина Фаргона вилоятида яшаб, ижод қилаётган 100 дан зиёд ёш иқтидор соҳиблари Наврўз саҳнасига чиқиш истагини билдирдилар.

Айна Наврўзи акам кунлари санъатга ошно тутинган ёшларнинг барчасини саҳнага чорлашнинг имкони йўқ. Шу боис улардан 60 нафари Ю. Шакаржонов номи вилоят театрига тақлиф этилиб, дастури, қўшиқлар матни, мусиқаси талабчан ҳайбат аъзолари кўригидан ўтказилди. Улардан 21 тасига вилоят — марказида ўтказиладиган тadbирларда иштирок этиш имконияти яратилди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Мустиқлик йилларида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилди. Самарали шериклик муносабатлари ХХР компаниялари ва банклари билан ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида инвестициявий ҳамкорликда яққол намуна бўлмоқда. Бу йўналиш бўйича ҳукуматнинг махсус ҳужжати қабул қилинган бўлиб, унда 10 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаол иш олиб бормоқда. Жумладан, Тошкент вилоятининг Қизилтоғ посёлка-

Тўхфа

«Ўзбектелеком» уларни ўрнатилиш учун зарур биналарни таъмирлаш ва мавжуд телефон станцияларига уланishi масалаларини ҳал қилди. Бугунги кунда «ЗТЕ» компанияси билан биргаликда 0,5 миллион АҚШ долларини миқдорида инвестиция киритиш мўлжалланган. Хитой томонининг гранти 0,4 миллион АҚШ долларини ташкил этади, 0,1 миллион АҚШ долларини «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси сарфлайди.

Лойиҳага кўра умумий сигими 5000 рақам бўлган замонавий телефон станцияларини ўрнатилиш режалаштирилган. Музокаралар натижасида «ЗТЕ» компаниясининг гранти бўйича юртимизга замонавий телефон станциялари келтирилди.

«Ўзбектелеком» уларни ўрнатилиш учун зарур биналарни таъмирлаш ва мавжуд телефон станцияларига уланishi масалаларини ҳал қилди. Бугунги кунда «ЗТЕ» компанияси билан биргаликда 0,5 миллион АҚШ долларини миқдорида инвестиция киритиш мўлжалланган. Хитой томонининг гранти 0,4 миллион АҚШ долларини ташкил этади, 0,1 миллион АҚШ долларини «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси сарфлайди.

(Ў.А.)

Эҳтиром

Муҳаммад Юсуф Боғи

Марҳамат тумани ҳокимлиги халқимизнинг сукули шоири Муҳаммад Юсуф тугилиб қамолга етган хонадон ёнидан бир гектар ер ажратиб, боғ барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Шоир муҳлислари, Қовунчи қишлоғи маҳалладошлари ҳашар уюштириб 1,5 минг туپ мевали ҳамда манзарали дарахтичларни ўтказдилар. Боққа олиб кирувчи йўлакнинг икки қирғоғига анвойи гул кўчатлари экилди. Бундан ташқари, шоир номи билан аталувчи боғда музей, кутубхона ва чойхона сингари маданий-маиший шохобчалар ҳам қад ростлайди.

Шоир боғи ҳозирданок одамлар билан гавжум, файзли бўла бошлади.

«Ўзбектелеком» уларни ўрнатилиш учун зарур биналарни таъмирлаш ва мавжуд телефон станцияларига уланishi масалаларини ҳал қилди. Бугунги кунда «ЗТЕ» компанияси билан биргаликда 0,5 миллион АҚШ долларини миқдорида инвестиция киритиш мўлжалланган. Хитой томонининг гранти 0,4 миллион АҚШ долларини ташкил этади, 0,1 миллион АҚШ долларини «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси сарфлайди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кеча юртимизнинг барча гўшаларида Умумхалқ хайрия хашари бўлиб ўтди

Ободлик

остонадан бошланади

Хоразмликлар ҳашар сўзининг мазмун-моҳиятини чуқур англашади. Кимдир биронта ишни бошла-са, иморат қуради, ер чопадими, кўни-кўшни дарров хабар топиб, ҳашарга отланади. Бугун Урганч шаҳри ва туманлар марказларини туташтирувчи барча марказий йўллар бўйлари ободонлаштирилганлигини кўриб, қўпдан кўен қочиб қўшмас, деган нақлнинг ҳаётийлигига амин бўласиз. Бир неча километрга чўзилган йўл ҳозирлида, серурум тупроқ тўкилиб, манзарали дарахт кўчатлари ўтказила-пти. Бу ишга барча ёш-бирлари бош қўшган. Энди бу йўл бўйлари дарахтларга, гулзорларга бурканади.

Дарҳақиқат, ҳар бир хоразмлик ўз уйини, кўчасини, маҳалласини обод қилишни истади. Хисоб-китобларга қара-

ганда, умумхалқ хашарида 700 минг нафарга яқин киши иштирок этиб, 5 млн. 169 минг туپ дарахт кўчатлари ўтказилди. Ҳашарчилар ёрдамида 6000 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 2500 км. ариқ ва зовурлар тозаланди. 641 та мавзе ва маҳаллаларда 800 минг тул гул кўчатлари ўтказилди. Шунга таъкидлаш жоизки, ҳашар кўни «Маҳалла-хайрия жамғармасининг вилоят ва туман бўлимлари ҳисоб рақамига 120 млн. сўм миқдорига маблағ кели-сўм тушади. Бу маблағ яна ободончилик ишларига, кам ташминланган оилаларга гамжўрлик кўрсатиш тadbирларига сарфланади. Демак, ҳашар ҳар бир хонадон обод бўлишида, кўнгуллар обод бўлишида омил бўлади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Кўнгулларга кўчаётган шодиёна

Наврўзолди умумхалқ хашарига тайёргарлик жараёнининг ўзи Жиззахда азалий байрамимизнинг нечоғли кўтаринки руҳда ўтишидан далолат бериб турибди. Бугун ҳовлими, кўчани, маҳалласини обод қилаётган, гул экиб, кўчат ўтказиётганлар Наврўз байрамини кўтиб олиш тарафдори кўрмоқда. Уша кўни ҳашарда 587 минг нафардан зиёд бешзахликлар қатнашди.

— Наврўзнинг нафасидан ҳеч ким четда қолмаётгани кувончлидир, — дейди «Соғлом авлод учун» халқа-

ро хайрия жамғармаси вилоят бўлими директори, сенатор Нодира Каримова. — Шаҳар ва туман ҳокимликлари байрам олдидан боқувчисини йўқотган, кам ташминланган оилалар ҳолидан хабар олишга алоҳида эътибор беришапти. Тиббиёт оидиллари ногиронлар, беморларнинг уйларига ташриф буюришмоқда.

Шаҳарнинг Қассоблик маҳалласидаги уйларда яшовчи 40 нафар кўзи ожиз ногиронга турли хил дори-дармон, кийим-кечақлар тарқатилди. Уларнинг оилаларидаги ўғил-қизларга бай-

рамолди совға-саломлари улашилди. Мурувват уйлари, махсус интернет мактабларида Наврўз айёми кунлари сумалак сайиллари уюштириш режалаштирилган.

Вилоятдаги Миллий маданий марказлар байрамга ўзига хослик бағишлади. Шу кўни корейс, қозоқ, тожик ва кирғиз миллий маданий марказлари аънаваний дастурхонларини тўзайдилар, турли халқлар амалий санъати намуналарини намойиш этиладилар.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамма ҳиссасини кўшди

Азалдан шундай, сув чиқариб боғ-роғ барпо этиш кўнчилиги билан битиди. Тўрақўрғон туманидаги Сарой қишлоғида жамоатчилик саъй-ҳаракати билан аҳолини узок йиллардан бери қўнаб келаётган ховли-жой, томоқларга сув келтириш муаммоси ечимини топди. Одамлар бундан қирқ йил аввал ота-боболари қазиган ва кейинчалик кўмилиб кетган шохариқнинг кўзини оғанларидан сўнг сой суви яна экинзорларга йўғалди.

— Бир ярим минг киши кетмону белкурагини кўтариб ҳашарга чиқди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмадхон Париев. — Оксоқоллар иш бошида туриб, эски узанни кўрсатиб беришди, ёш-яланлар эса икки кун ичида 2,5 километр узунликдаги янги сўғориш

тармоғини қўлдан чиқардилар. Дарҳақиқат, ҳашар элга ярашган иш. У ташкил этилган кўни чала ишлар якун топади, чор атрофга файз киради. Яшариш фасли сепини ёйғандан бошлаб Наманган вилоятининг шаҳару қишлоқларида орас-талиқ, боғ-роғ яратиш ишлари кундалик юмушга айланди. Вилоят марказида қайта фаолият кўрсата бошлаган «Дўстлик» бозори атрофини тартибга келтириб, гулзорга айлантириш ҳам кўнчилиги кўмағи билан бўлди. Тўрақўрғон туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги пахтакорлари эса вилоятда биринчи бўлиб, пёнка остига чигит экишни бошлаб беришди. Саноатчилар байқор-дорлик жамиятида ишдан ташқари вақтларда ҳамма жойни янги келин

тушган ховлидаи орасга қилиб қўйишди. — Наврўзолди ҳашарига тўрт минг киши ҳиссасини кўшди, — дейди жамият бошқарув раиси Абдурашид Убайдуллаев. — Тўқимачиларимиз шу кўни 10 тонна қалава ил, 32 минг погон метр тўқима, 40 минг погон метр тайёр газлама ишлаб чиқаришди. Қалаванинг катта қисми хорижга экспорт қилинади. Вилоятдаги ҳар бир меҳнат жамоаси ўтказиладиган хайрия ҳашарига амалга ошириладиган ишлар юзасидан пишук-пухта тadbирга эга. Умуман олганда, шу кўни 894,5 минг нафар наманганлик хайри ишга отланади. Саноатчилар 501 миллион сўмлик махсуслот тайёрлашни кўзда тутишган бўлса, бинокорларнинг мақсади 37,5 миллион сўмлик иш

бажариш. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга жалб этилганлар 853 километр узунликдаги сўғориш тармоқларини тозалаб, 793 минг тул кўчат ўтказишди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Бир юз учинчи йил Баҳоридаги дуо

Ушбу шуқули кунларда пойтахтимиздаги Миробод тумани, Бешкент кўчасидаги 54-уйда истикомат қилувчи 103 баҳорни қаршилаётган табарруқ онахон — Кўзибуви Жўраеванинг сўзларига қулоқ тутдик.

— Бу кўзлар неларни кўрмади, болам. Ҳаммаси ҳанузгача бир-бир кўз олдидан ўтаверди. Сибир томон йўл олган мардикор поездлари... Халқ кўзғолонлари... «Хўжум» кунлари... Очарчилик йиллари... Қирғинбарот урушлар... Халқ душмани, деб қамашлар...

Бу кўзлар неларни эшитмади... Ҳануз қулоғим остидан кетмайди: «Мардикорликдан қочган экан, қамоққа олишибди», «Кўзғолонни аёсиз бостиришибди», «Ишнинг паранжиде келгани учун эл ичида қимматини ёқибди, шарманда қилишибди», «Палончи оиласи билан очликдан ишиб кетибди», «Почталион бугун фронтдан ўн етти хонадонга қора хат тарқатибди», «Онасининг таъзиясини ўтказгани учун раис ишдан олинди»...

Бу пешона қанчалар азага айланган тўйларга, тўйдек ташкил қилинган мотам маросимларига гувоҳ бўлмади... Ҳазиматини унутай деб қолгандик. Бу кўллари эса, ҳатто дуога очолмасдик, болам. Олдиғина дуони ҳам атроф-

га минг бора аланглаб қилардик. Юрагимиз титроқдан ўйнаб турарди. Саждага бош қўйиш учун ҳам аввал дарвозаларимизни занжирлаб олардик. Маҳаллада бирон-бир маросимни ўтказиш учун кўча бошига кўриқчи қўярдик...

Беадад шуқулар бўлсин, беш-ўн йилдан буён қўлларимизни дуога баралла очтирдик, шу кунларимизга кўз тегмасин. Ота-боболаримиздан қолган удулар, одалар юртимизга қайтиб, ёруғ кунларни етказган катталаримизга раҳмат. Кексалар дуосини олайин деб келаятганларни айтиб, кети узмайди, кўп яшасин. Биз кўрган кунларни кўришмасин, аммо ёшларимизни яшасин. Мана, сиз газетдан келдим дегиниз, ўғлим, биз кексаларни газетчилар ҳам йўқлашяпти, уларнинг уғитлари, дуоларига қулоқ туташяпти экан, аслимизга қайтганимиз шу. Қадимий урф-одатларимизга, маросимларимизга — ўзлгимизга янги замон баҳона, Наврўз баҳона қайтти экан, ажбодларимиз руҳи бизни, албатта, қўллади, жаҳонда энг улғу миллат бўламиз.

Идоралараро кенгаш йиғилиши

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасида Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгашнинг навбатдаги кенгайtirилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирилик, идора ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил якунлари-га бағишланган мажлисида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўнчилигига риоя этилиши борасида, хусусан, савдо, пуллик хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида олиб бориладиган ишларга танқидий баҳо берилган эди. Дарҳақи-

қат, кўриладиган чоратadbирларнинг кўлами ва аҳамиятига қарамасдан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошириладиган ишлар сўст, айрим ҳолларда юзаки олиб бориладиганлиги оқибатида кўзланган натижага эришиш қийин бўлмоқда. Айни чоғда баъзи хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Таъкидландики, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига доир қўннубузарликларни бар-тароф этиш мақсадида ўтказилган мониторингнинг 77,1 фоизи савдо,

11,2 фоизи коммунал хизмат, 0,4 фоизи тиббий хизмат, 11,2 фоизи бошқа соҳалардаги ишларни ўрганишга йўналтирилган. Ҳолбуки, фуқаролар муурожаатларининг ақсарият қисми коммунал, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида йўл қўйиладиган қўннубузарлик ҳолатлари юзасидан эканлигини инobatга оласак, бу борадаги ишлар тўғри ташкил этилмаганлигидан далолат беради.

Йиғилиш якунида ҳукуматимизнинг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайtirиш чора-tadbирлари тўғрисида»ги қарори ижроси сифатини янада ошириш, йўл қўйилган камчилик ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифа ҳамда йўналишлар белгилаб олинди.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ISHONCH»ГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

ТОШКЕНТ (ЎЗА Мухбири Лазиз РАҲМАТОВ). «Ishonch» банклараро сугурта компанияси мамлакатимиздаги йигирмадан ортқ сугурта компанияси орасида биринчи бўлиб барча — 17 та сугурта класси бўйича мажбурий ва ихтиёрий сугурта фаолиятини амалга

ошириш ҳуқуқига эга бўлди. — Бунда компаниямиз мутахассисларнинг маркетинг, менежмент ва андеррайтинг йўналишларида фаол иш олиб бораётгани муҳим омил бўлди, — деди муассаса раҳбари Миршамсиддин Хикматиллаев. ЎЗА мухбири-

га. — Жорий йил бошидан буён миқозлар билан мингга яқин шартнома тузилиб, 14 миллион сўмлик сугурта мажбурияти олинди. Йиғилган бадаллар миқдори салкам 100 миллион сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 170 фоиз кўп.

# Меҳр-саховат байрами

Наврўз байрами ҳар йили янгича маъно кашф этмоқда, янгича мазмун билан бойимокда, ўзгача нафосат, ўзгача руҳ билан нишонланмоқда. Навоий вилоятида ҳам айни кунларда Наврўз байрамига тайёргарлик қизгин. Ушбу ҳаракатлар вилоятда озодлик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш икки ойлиги деб эълон қилинган кунларданок бошланган эди. Барча туман ва шаҳарлар, қишлоқлар ва маҳаллаларда ободонлаштириш, мевали ва манзарали дархат ниҳоллари экиш, корхона ва ташкилотлар ҳудудини тартибга келтириш каби ишлар давом этмоқда.

Байрам Навоий шаҳрининг Алишер Навоий хибонада, Марказий маданият ва истироҳат боғида, «Фарҳод» ва «Ширин» маданият саройлари, Мусиқа мактаби ёнида катта театрлашган байрам томошалари билан бошланиб, Нуротанинг адирларидан тортиб Қизилқумнинг олис-олис овулларигача, Томдидаги чўпон отарларидан давом этади. Жойларда ҳаваскор рассомлар ва халқ ҳунармандчилиги кўрғазмасини

ташкил этиш, маданият уйлари, кутубхоналар, кинотеатрларда ижодий кечалар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, турли хил танловлар ўтказиш аллақачон бошлаб юборилган.

— Ўлмас байрам бу йил ўзгача нишонланади, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Ибодулла Раҳмонов. — Чунки 98 милла ва элат вакиллари бир оға-инидек аҳил, ва бахтиёр яшаётган, меҳнат

қилаётган бу ҳудудда байрам худди баҳор камалаги каби ранг-баранг жилоланади.

Вилоятдаги мавжуд 7 та миллий-маданий марказларнинг Наврўзга бағишланган ўз режалари бор. Турк, яҳудий, татар-бошқирд ва бошқа миллий-маданий марказларнинг ҳар бири бу байрамда ўз дастурлари билан иштирок этаётир.

Маруса ХОСИЛОВА.

## Спорт

Тошкент ислом университетида Сихат-саломатлик йилига бағишланган «Наврўз-2005» анъанавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент ислом университети, Исломи институтини ҳамда юртимиздаги ўрта махсус ислом билим юртиларидан 72 нафар талаба кураш, шахмат, армрестлинг ва стол теннисини бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

### АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА

Кураш бўйича беллашувларда пойтахтимиздаги «Кўкалдош» ўрта махсус билим юрти вакили А.Мингниёзов, Қашқадарё вилоятидаги ҳўжа Бухорий билим юрти талабалари М.Кароматов, У.Очилов, Бухородаги Мир Араб билим юрти талабаси У.Жиянов ўз вази тоифасида барча рақиблари устидан ғалаба қозонди. Стол теннисида Тошкент ислом университети талабаси Ж.Жўраева тенг келадигани топилмади.

Шахматда голибликни Тошкент ислом университети талабаси С.Шералиев кўлга киритди. Армрестлинг баҳсларида мезбон жамоа вакили Ш.Тоштемиров ва «Кўкалдош» ўрта махсус билим юрти талабаси С.Избосаров шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади.

Қ.ҚАРШИЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

### Савоб истасанг беморни йўқла

Зоминдаги Мурувват уйда республикамининг турли бурчакларидан келган 250 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Шунингдек, бу ерда 60 нафар бола тарбияланапти.

Яқинда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги аёлларга 3,7 миллион сўмлик кийим-кечак ҳадя этди. Вилоят бош бошқармаси эса Мурувват уйи биносини мукамал таъмирлаш учун 10 миллион сўм маблағ берди.

Наврўз арафасида Мурувват уйи жамо-

асини умумхалқ байрами билан табриклаш учун бу ерга республика «Нуроний» жамғармаси вакиллари ташриф буюришди. Меҳмонлар жамоанинг байрам тадбирлари, Сихат-саломатлик йили муносабати билан амалга ошираётган ишлари билан танишдилар. Жамғарма томонидан Мурувват уйга 500 минг сўмлик дори-дармон, турли тиббий жиҳозлар ҳадя этилди.

Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири

### Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Товар сертификатланган



«ГАЗ-31105»

#### РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларга буюртмалар қабул қилади ва сотади.



«ИЖ-2717»



«ВАЗ-2106»

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.



«ГАЗЕЛЬ»

**«O'RTA OSIYO TRANS» HAN DAK**

**Ўзбекистоннинг барча аҳолиси ва меҳмонларини Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этади!**

*Баҳор ва янгаланиш байрами ҳар бир оилага бахт-саодат ва қувонч олиб келсин!*

*Барчага самарали меҳнат, тинчлик, фаровонлик ва қут-барака тилаймиз!*

Ўзбекистон Республикаси Тошкент. Тел: 99871-132-10-35, 132-12-01.

# «Қизилқумцемент» ОАЖ

Ўз акциядорлари, ходимлари, мижозларини ва барча юртдошларимизни баҳор байрами

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади!

*Барчага мустаҳкам соғлик, фаровонлик, оилавий бахт, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик меҳнатингизда янгидан-янги зафарлар тилаймиз!*

**Kizilqumcement**



# Дор найрови

**Хасан:** — Мана, ўлкамизда фаслар келинчаги Баҳор ҳукмрон, Наврўз сайилари бошланган. Сумалак базмлари авжида. Ҳаммаёқда хурсандчилик, куй-кўшиқлар авжида. Энди мана шу хурсандчиликка ўзимнинг жиндай хиссамни қўшсам. Мана шу майдонга дор тикиб, дорбоз бўлиб ўйнаб берсам.

**Хусан:** — Узи сиз илгаридан яхши дорбоз эдингиз. Фақат амалдор бўлганингиздан буён қорондан қочадиган бўлиб қолдингиз.

**Хасан:** — Амалдор бўлсам ҳам сизга ўхшаб димодОР эмасман.

**Хусан:** — Димоғдорлик

сизда ҳам бор. Ана шу феллингиз бўлмаганда яхши томошалар кўрсатиб юргангизда нишондор бўлиб кетардингиз.

**Хасан:** — Тўғри гапни айтдингиз. Узим айбдор. Аммо сизам жиндай қўллаб юборсангиз бўлаверарди, менга жиндай мадор бўларди. Ким айтади сизни такводОР деб.

**Хусан:** — Сизни яхши дорбоз деганларга унча ишонмай қўйдим. Кечаги кунни бирортаси ортиқча гап қилганим дорга чиқиб жайлдор бўлиб кетдингиз, қўлнингиздаги лангар тушиб кетса, айбдор бўлиб қолманг деб юрагимни ховуч-

лаб ўтирдим.

**Хасан:** — Бекорга хавотир олибсиз. Мен ҳечам лангарни ташлаб юбормайман, дордан қўламайман. Чунки менда иқтидор бор. Сизам бекор турмасдан бир иш қилмайсизми?

**Хусан:** — Қанақа иш?

**Хасан:** — Иккита тошни қўларингизда тутиб, биттасини оғзингизда тишлаб бўйдор бўлиб бир ўйин кўрсатганингизда эди, ишимиз жуда самарадор бўларди.

**Хусан:** — Байрамда томоша кўрсатсам бўлаверарди-ю, оёғингизга тош-пош тушиб кетмасин деб ўғилларим Элдор, Сардор би-

## Аския

лан хотиним беДОР ўтиришди-да.

**Хасан:** — Жуда хотинингиз вафодор-да. Аммо бир нарсанга тушунмайман, хотинингиз пулдорлигингизга ошмики ё наслдорлигингизга?

**Хусан:** — Иккаласига ҳам. Аммо гапни сиз бошқа томонга буриб юборяпсиз. Дорга кўтарилнинг энди, лангарни ушлаб туравермасдан. Мана шунақа сайилларда ўз санъатингиз билан одамлар кўнглини ишнуд этсангиз, уларнинг хашири унумдор, ерлари ҳосилдор бўлади. Ана ундан кейин хариқдорнингиз кўпайиб кетиб қизқичларнинг сардорини менман деб юраверасиз.

Анвар ОБИДЖОН

## Иккинчи шилқимлик даври



Ешлқикда жа-а шилқим бўлаемиз, Сочларни ёғ суриб тарардик. Гоҳ хуштак чалардик қизларга. Гоҳи жим тикили-и-б қарардик. Эҳ, буғун уша шўх тенгдошлар, Сочига оқ тушган эркақдир. Уларнинг ва менинг ёшлимиз Узимиз тўққан эртақдир.

Дўстларим! Қизларга термулсам, Деманг: «Ишқ дарди кў-ў-п юқумлик». Биринчи шилқимлик туғаман. Буниси — иккинчи шилқимлик.

Бир сирни айтмайин, зитсин Ким элик ёндан сал нардидир. Элиқдан кейинги умримиз Иккинчи шилқимлик давридир.

Ешимга ярашмас Мажнунлик, Худодан мен тўзим сўрайман. Узимга мос келин ахтариб, Қизларга тикили-и-б қарайман.

## Хирмондаги ошиқ

Хуш кўраман азалдан Тўп нахтада ётишим. Уқиб ишқий газалдан, Қизларга гап соттишим. Эски дардим бошланар Кўрсам биби Тўхташим. Топиб бўлмас, ошанлар, Ундан момиқ «нахта»ши!



## Эҳ, севим!

Дугонаси Урдакка Хат ёшуби Тўвўқсан: «Сени жуда соғиндим, Юрбасамни соғ-омон?»

Хат сўнгида дебди у Гўллар нибз қозғаса: «Мендан салам айтиб қўй, Қўшининг дақан Хўрозга...»




Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

# GURUNG

## Ижодкор устахонасида

Рассом Шавкат Музаффар ўз ижодхонасига таклиф қилганда, тўғриси, аввал бироз иккинчидан: ёш мусаввир бўлса, қандай натижаларга эришди, у ҳақида нималарни ёзиш мумкин? Юзга яқин асарлари билан танишгач эса, Шавкатжон ўз услубига эга рассом сифатида шаклланиб улгурганига ишонч ҳосил қилдик.



## Миллий галереяда Кўрғазма

Ўзбекистон Миллий галереясида И.Савицкий асарлари кўрғазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Кўрғазма рассомнинг 90 йиллик таваллудига бағишлаб ўтказилмоқда.

Янги тўпладан рассомнинг 100 га яқин асарлари ўрин олган. Бу асарлардан айримлари Ўзбекистонда илк марта намоиш этилмоқда. Кўрғазма 17 апрелгача давом этади.

Ўз мухбиримиз.

## Чўққига талпинаётган рассом

Мусаввирларнинг асарлари ҳақида ёзиш, фикр билдириш жуда қийин: расмдан ҳар ким, ҳар хил маъно топиши мумкин. Уни томоша қилиш, завқланиш керак. Шундай бўлса-да, Шавкатнинг асарларидан олган таассуротларимиз билан ўртоқлашишни лозим топдик.

кўп эшитганмиз, кўп гапирармиз. Аслида, бундай «кўприк»лардан турмушимиз мобайнида кўп бора ўтамиз. Ҳаёт йўллари,

кетса, иккинчи томон ҳам, энг ёмони, ўзинг ҳам чоғга қулашинг шакли!

Ҳар бир ташвишнинг энгишда бир-биримизга суян-сак, ҳар ишда елкадош, ҳамдард, ҳамнафас бўлсак, юрагимиз узок йиллар бизга хизмат қилиши мумкин бўларкан. Оиламиз бизга суянади, тоғимиз деб билади.

«Тоғни эса, отаболаримиз руқлари суяйди, аммо қачонки, уларнинг руқларини шод эта олсак...»

Шавкатжоннинг масха-

Ҳаёт — улкан дарё, оқаверади. Бу дарёнинг мураккаб, сирли жумбоқларга тўла эканлигидан хайратга тушасиз. Кимдир унинг мафтун, кимдир асири бўлганини ўйлай кетасиз...

Ҳаёт дарёсининг ирмоқлари эса, кишини турли ўй-хаёлларга етаклайди...

«Қил кўприк» ҳақида



бамисоли, дорнинг арқони. Сен эса унинг дорбозсан. Лангарни жуда тўғри тутмоғинг шарт: унинг бир томони босиб

ра расмлар йўналишида ҳам ижод қилиши бизни қувонтирди. Улар билан танишсангиз, беихтиёр табассум қиласиз. Дам ўтмай эса, бу асарлар сизни ҳаётга тийрак нигоҳ билан қарашга ундайди. Суратлар сизга бундай ҳолатларга қулиб қўяқолмасдан, инсонсан, бепарво бўлма, деяётгандай бўлади.

— Ниятим, машхур рассом бўлиб ётишим, Париж, Лондон, Токио, Нью-Йорк каби шаҳарларда ўз кўрғазмаларимни намоиш этиш. Булардан мақсад — тарихи асарларга тенгдош санъатимизнинг муносиб ворислари бор эканлигини, дунёни қойил қолдиришга муносиб ёш ижодкор-

Узоқ ўтмиш замонда, ўзимиз яшаб турган ушбу кунлардами баланд-баланд тоғлар ортидами, қалин-қалин ўрмонлар ичидами, серўт яйловлардами, қизик бир воқеа бўлган экан.

Бир ашулачи Куёнча яшаган экан. У ашуласини бошлаганда тоғларда қорлар эриб кетаркан, адирларда майсалар гурқираб ўсаркан, ўрмон ичкарисини қувноқ оҳангларга тўлиб кетаркан. Бир кун Куёнча:

— Вой кўзим, бугунлай кўр бўлдим, энди кўр бўлиб ўламан, — деган овоз чалинмиш. Қараса, Айик полвон йиғлаётган, ётган жойида думалаб-думалаб ҳам олаётган

# АШУЛАЧИ ҚУЁНЧА

Худойберди ТЎХТАБОВ. Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## Эртақ-фельетон

албатта қайтараман. Куёнча қилган ишидан мамнун бўлиб, дили яйраб:

— Лалалай-лалайлай, — деб ашула айтиб, адирдан адирга қувноқ сакраб келаятган экан, тўсатдан қулоғига «Вой, вой, Вой, ўламан!» деган гамгин овоз эшитилиб қолибди. Куёнча ашуласини тўхтатиб, бундай синчиклаб қараса, ҳў наридаги чуқурлик ичида каттагина бир тулки чалқанча ётиб, тўрттала оёғини баробар силки-тиб йиғлаётган эмиш.

— Тулки хола, сенга нима бўлди? — деб сўради Куёнча.

— Оёғимга захарли тикан кириб кетди, юрсам тикан яна ичкари ботиб, азоби кучайяпти, войдод, энди ўлсам керак. — деб ростмана додлашга тушибди Тулки.

Куёнча Тулкининг оёқлариди захарли тиканларни кўз очиб юмгунча олиб ташлабди, заха ётган жойларини ялаб-ялаб юмшатибди.

— Раҳмат, Куёнча, — дебди Тулки сакраб ўрнидан туриб, — бу яхшилигингни ҳеч унутмайман.

Ашулачи Куёнча қилган ишидан мамнун бўлиб, дили шодликларга тўлиб:

— Лалалай-лалайлай, — деб ашуласини айтиб, еру-кўни қувончи оҳангларга тўлириб бораётган экан, тўсатдан қулоғига:



дан кетма-кет босибди. Шишлар қайтибди. Айик полвон кўзини очиб:

— Раҳмат сенга, Куёнча, мен ҳам сенга яхшилик қиламан, — дебди. Куёнча қилган ишидан мамнун бўлиб, мамнунлиқдан дили шодликларга тўлиб:

— Лалалай-лалайлай, — деб ашуласини айтиб, сакраб-сакраб бораётган экан, қараса йўли катта бир захарли Илон тўсиб ётган эмиш. Куёнча ўнга қочса ундан тўсармиш, чага қочса чақдан тўсармиш. Куёнча бир амаллаб тепаликка чиқиб:

— Айик полвон, Бўри-вой, Тулки хола. Илон мени ёйман даяпти, кутқаринглари! — деб додлабди.

— Кўз юмиб очгунча Айик полвон катта таёқ кўтариб, Бўривой калладек катта тошни олиб, Тулки хола ҳам бир нарсасураб етиб келишибди, илонни ўлдириб бир чуқурга кўмиб ҳам ташлашибди.

Уша замонларда ўрмон ароғидан ичиб, хурсанд-

— Лалалай-лалайлай, — деб ашула айтиб, адирдан адирга қувноқ сакраб келаятган экан, тўсатдан қулоғига «Вой, вой, Вой, ўламан!» деган гамгин овоз эшитилиб қолибди. Куёнча ашуласини тўхтатиб, бундай синчиклаб қараса, ҳў наридаги чуқурлик ичида каттагина бир тулки чалқанча ётиб, тўрттала оёғини баробар силки-тиб йиғлаётган эмиш.

— Тулки хола, сенга нима бўлди? — деб сўради Куёнча.

— Оёғимга захарли тикан кириб кетди, юрсам тикан яна ичкари ботиб, азоби кучайяпти, войдод, энди ўлсам керак. — деб ростмана додлашга тушибди Тулки.

Куёнча Тулкининг оёқлариди захарли тиканларни кўз очиб юмгунча олиб ташлабди, заха ётган жойларини ялаб-ялаб юмшатибди.

— Раҳмат, Куёнча, — дебди Тулки сакраб ўрнидан туриб, — ўламан, бу яхшилигингни

чилик қилиш, хайвонлар ўртасида расм бўлган экан. Тулки ароққа югурибди, Бўри қадах хозирлабди, бир паस्ता ич-ич, ол-ол авжига чиқиб кетибди. Маст бўла бошлашибди, кўзлар биё-биё бўлиб сузилибди.

— Газак! — дебди Тулки.

— Газак! — дебди Бўри, кўзи қонга тўлиб. Ҳаммаининг кўзи Куёнчага тушибди.

— Бос! — дебди Айик ўзини йўқотиб.

Кўз юмиб очгунча қувноқ Куёнчани ёб тугатишибди. Бир маҳал, кайфлари тарқаб, ўзларига келишибди. «Ахир у бизга яхшилик қилган эди-ку», дея қилган ишларига минг афсуслана бошлашибди. Энди унга қилган яхшиликлари эвазига бир ёдгорлик тахтаси ўрна-тишга қарор қилишибди. Тахта тайёр бўлибди. Бўрининг хати чиройли экан, унга:

«Бу ерда ҳаммага бир хилда яхшилик қиладиган, керак бўлса дўстлар учун жонини ҳам фидо қиладиган, меҳрибон Куёнча ётибди. Сенинг ёдинг қалбимизда абадий сақланади, алvido! Дўстларинг: Айик, Бўри, Тулки», деган ёзувни битибди.

— Йук, — дебди Тулки, — уни биз еганимизни ҳамма билиб қолади. Яхшиси, охиридан номини олиб ташлаб, «бир гурӯҳ дўстлари» деб ёзайлик дебди. Ақли таклифга Бўри билан Айик рози бўлишибди.

Шундай қилиб, эртақ ҳам тамом бўлибди.

Саид АНВАР.

## Насрий масаллар

### Соат ва минут

— Одамларга хайронман, — деди Минут мили, — жонингни жабборга бериб ишласану, лекин сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ, нукул Соатни сўрашади...

— Унумнинг йўқ-да, ука, сенинг олти-машаққатинг, менинг бир кадамим, — деди унга Соат мили.

### Тўнқанинг фалсафаси

Сайхонликда ўсаётган Нихолчани ногоҳон эсган шамол синдириб кетди.

— Мен эса ўсмайман ҳам, синмайман ҳам, — деди унинг ёнидаги Тўнка.

### Мажбурий «китобхон»

— Менинг китобимни ҳеч ким ўқимас эмиш, бекор гап, уни битта қўймай ўқиб чиққан одамни биламан, — деб қолди бир ёзувчи.

— Ким экан у? — деб сўрашди одамлар.

— Харф терувчи, — деб бамайили-хотир жавоб қилди халиги ёзувчи.

### Айрилганни айқ ер

— Хой, қаёққа кетаянеан? — деди Катта йўл ўзидан тобора узоқлашиб бораётган Сўқмоқаси.

— Ишинг бўлмасин, менинг йўлим бошқа, — дедию Сўқмоқ бурилиб кетаверди. Бориб-бориб, аллақайси тўқайда изи қуриди...

## Ўзбек фотографияси Москвада

Москва шаҳрида ўзбек фотография санъати тарихининг 125 йиллигига бағишланган кўрғазма бўлиб ўтмоқда. Кўрғазма Россия пойтахтида жойлашган Рассомлар маркази уйида ўзбек фотографияси тарихи акс этган уч жиқлик мажмуининг биринчи жилди тақдироти билан очилди. Мазкур фундаментал нашр Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси қошидаги Тошкент фотография уйи ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағатмаси томонидан тайёрланган. Мажмуининг биринчи жилди «Ўзбек фотографиясига 125 йил» деб

## Атиргул билан карнайгул

— Киройи гул деб бизни айтса бўлади, — деб бўйини чўзди Карнайгул. — Сип-силлик, беозормиз, Атиргулга ўхшаб қўл чўзганга тикан санчмаймиш... Карнайгул ўз гапида тўхтамасдан давом этар, аммо ҳаммаининг кўзи Атиргулда эди.

## Бузоқнинг югургани — сомонхонагача...

— Ола-а, бутун оламни тутадиган бўлди! — деб аюхонан солди аллақандай тенгаш шамолга кўшилиб кўтарилган Чанг-тўзон.

Ёмғир бир севалаб ўтган эдики, ундан асар ҳам қолмади.

## Ифвогарнинг захри

Чаён бир кунни қавағига аранг ўрмалаб қайти-ю, чўзилиб қолди.

— Ха, сенга нима бўлди? — деб сўради ундан жуфти.

— Э, асти сўрама, — деди инқиллаб Чаён. — Одам қуриб кетгандек келиб-келиб ифвогарни чақибман, захри меникидан ўткирлик қилди, ўлаёздим...

## Тирговучга тиралма

Ёшлигида тарвақайлабқор ўсган Шафтоли сал вояга етгандан кейин ўзини кўтара олмайдиغان бўлиб қолди. Унга тирговуч қўйишга тўғри келди. Шафтоли яна талтайиб кетиб, тирговучнинг устига ўзини ташлади-олди. Бир кун тирговуч «қар!» этиб синди-ю, Шафтоли ўзини ерда кўрди...

## Ўзбек фотографияси Москвада

Москва шаҳрида ўзбек фотография санъати тарихининг 125 йиллигига бағишланган кўрғазма бўлиб ўтмоқда. Кўрғазма Россия пойтахтида жойлашган Рассомлар маркази уйида ўзбек фотографияси тарихи акс этган уч жиқлик мажмуининг биринчи жилди тақдироти билан очилди. Мазкур фундаментал нашр Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси қошидаги Тошкент фотография уйи ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағатмаси томонидан тайёрланган. Мажмуининг биринчи жилди «Ўзбек фотографиясига 125 йил» деб

## Насрий масаллар

### Соат ва минут

— Одамларга хайронман, — деди Минут мили, — жонингни жабборга бериб ишласану, лекин сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ, нукул Соатни сўрашади...

— Унумнинг йўқ-да, ука, сенинг олти-машаққатинг, менинг бир кадамим, — деди унга Соат мили.

### Тўнқанинг фалсафаси

Сайхонликда ўсаётган Нихолчани ногоҳон эсган шамол синдириб кетди.

— Мен эса ўсмайман ҳам, синмайман ҳам, — деди унинг ёнидаги Тўнка.

### Мажбурий «китобхон»

— Менинг китобимни ҳеч ким ўқимас эмиш, бекор гап, уни битта қўймай ўқиб чиққан одамни биламан, — деб қолди бир ёзувчи.

— Ким экан у? — деб сўрашди одамлар.

— Харф терувчи, — деб бамайили-хотир жавоб қилди халиги ёзувчи.

### Айрилганни айқ ер

— Хой, қаёққа кетаянеан? — деди Катта йўл ўзидан тобора узоқлашиб бораётган Сўқмоқаси.

— Ишинг бўлмасин, менинг йўлим бошқа, — дедию Сўқмоқ бурилиб кетаверди. Бориб-бориб, аллақайси тўқайда изи қуриди...

## Ўзбек фотографияси Москвада

Москва шаҳрида ўзбек фотография санъати тарихининг 125 йиллигига бағишланган кўрғазма бўлиб ўтмоқда. Кўрғазма Россия пойтахтида жойлашган Рассомлар маркази уйида ўзбек фотографияси тарихи акс этган уч жиқлик мажмуининг биринчи жилди тақдироти билан очилди. Мазкур фундаментал нашр Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси қошидаги Тошкент фотография уйи ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағатмаси томонидан тайёрланган. Мажмуининг биринчи жилди «Ўзбек фотографиясига 125 йил» деб

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатта олинган. Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхонлар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

ГАЗЕТА ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тогоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифланди.  
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.  
1 -Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.  
Навбатчи — Ҳ. Қаримов.  
Мусахҳач — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ў.А. яқини— 22.30  
Топшириқ — 22.40

1 2 3 4 5